Ижтимоий муҳофаза

# ИШ ХАВФСИЗ, ИШЧИ ХОТИРЖАМ

***бўлса, меҳнат жараёнида юз берадиган кўнгилсиз ҳодисаларнинг олди олинади, иш унумдорлиги ошади***

Юртимизда инсон манфаатлари олий қадрият даражасига кўтарилганини ҳар қадамда, ҳар соҳада кўриш мумкин. Эндиликда бу соҳадаги ишлар янада такомиллаштирилаяпти. Ўз навбатида меҳнат қонунчилиги ҳужжатларининг ижроси изчил назорат қилинаяпти. Бу ишда бошқа мутасадди идоралар қатори вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг жойлардаги давлат меҳнат-техника инспекторлари ҳам фаол иштирок этишяпти. Иш берувчилар билан ходимлар ўртасидаги меҳнат муносабатларига, ишга қабул қилиш ва бўшатиш, иш ва дам олиш вақти меъёрларига риоя қилинишига, иш ҳақларининг ўз вақтида тўланишига дахлдор масалалардан ташқари, жамоаларда соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш ишлари қай даражада йўлга қўйилганини ҳам атрофлича ўрганишаяпти. Аниқланган хато-камчиликлар сабабларини таҳлил қилиб, уларни бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар беришаяпти. Чунончи, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши тасдиқлаган режа асосида вилоятдаги олтмишдан зиёд корхона-ташкилотда, бош бошқарма режасига биноан юзга яқин бюджет ташкилотида мониторинглар ўтказилди.

– Ана шу жараёнда қатор жамоаларда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси рисоладагидек ташкил этилгани аниқланди, – дейди Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг бош давлат меҳнат-техника инспектори Азиз Акромов. – Чунончи, цехларда ушбу йўналишдаги ишларни назорат қилиб борувчи вакиллар сайлаб қўйилгани, ходимлар махсус кийим-бош ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлангани, ноқулай шароитларда ишлаётганларга профилактик озиқ-овқатлар ва бепул сут тарқатилаётгани, ишчи-хизматчиларнинг малакаси мунтазам оширилаётгани маълум бўлди. Айни чоғда, баъзи корхоналарда бу борадаги ишлар сусайтириб юборилгани туфайли жами 74892 та қонунбузарлик содир этилган. Масалан, "Бекободцемент" очиқ акциядорлик жамияти ходими К. Парпихўжаев ҳали вояга етмаган. Шунга қарамай, у январь ойида сурункасига 18 кун 8 соатдан, 5 кун 12 соатдан ишлаган. Ҳатто, ҳордиқ ва байрам кунлари ҳам дам олмаган. Корхона раҳбарияти бу билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг бирйўла еттита моддаси талабларини бузган. Қибрай туманидаги "Тошвилмахсусқурилиш" ёпиқ акциядорлик жамияти бош муҳандиси ва иш юритувчисининг ўз вазифаларига лоқайдликлари эса бундан-да ошиб тушган. Оқибатда жамоанинг 20 аъзоси махсус коржома ва ҳимоя каскалари билан таъминланмаган, хавфсизлик техникаси тартиб-қоидаларини яхши тушунмаган ҳолда қурилиш-монтаж майдончасида ишлаган. Лекин ҳеч ким бу ўринда "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 13- ва 19-моддалари талаблари бузилганига, ўзи ва ўзгалар учун ноқулай ҳолат юзага келганига парво қилмаган. Таъбир жоиз бўлса, кўза кунда эмас, кунида синишини унутган. Арзимасдек туюлган камчилик кутилмаганда катта фожиага доялик қилиши мумкин. Мана, бир мисол: Янгийўл шаҳридаги "Sani paper packaging" қўшма корхонаси масъуллари қути тайёрлаш цехидаги картон қоғозларга расм босиш ускунасининг тепа қисмига ҳимоя воситаси ўрнатишни унутадилар. Уларнинг масъулиятсизлиги жабрини эса ҳали турмушга чиқмаган ёш ишчи С. Раҳмонова тортади, у иш жараёнида икки бармоғидан айрилади.

Афсуски, бу ягона нохуш воқеа эмас. Меҳнат-техника нозирлари ярим йил давомида рўй берган бахтсиз ҳодисалардан 47 тасини бафуржа ўрганишганида, улар туфайли 22 киши оғир, 20 киши енгил даражада жароҳатлангани, 12 ҳолатда воқеа фожиали якун топгани ойдинлашди. Шуниси ажабланарлики, бундай кўнгилсизликларнинг аксарияти меҳнат муҳофазасига алоҳида аҳамият берилаётган Олмалиқ кон-металлургия комбинати ва "Саноатконтехназорат" давлат инспекцияси назорати остидаги корхоналар ҳиссасига тўғри келгани кузатилди.

Албатта, текширишлар якунларига кўра, бахтсиз ҳодисалардан жабрланганларга тегишли тартибда моддий ёрдамлар кўрсатилди. Меҳнат қонунчилиги ҳамда меҳнат муҳофазаси қоидалари ва меъёрлари бузилишига йўл қўйган 255 нафар мансабдор шахсга жами 12 миллион 377 минг сўмлик жарима солинди. Хавфсизлик техникаси талабларига жавоб бермайдиган 493 та дастгоҳ вақтинча тўхтатиб қўйилди.

Вилоят давлат меҳнат-техника нозирлари сўнгги етти ой мобайнида техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазасига доир қонунлар талабларига риоя қилиниши, зарур шарт-шароитлар яратилишига эришиш мақсадида 511 та иш ўрнини шаҳодатлашдан ўтказдилар. Фойдаланишга топшириш учун тақдим этилган 22 та иншоотни қабул қилишда ваколатлари доирасида қатнашдилар.

Уларнинг бундан кўзлаган мақсадлари битта, корхона-ташкилотларда қулай ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилишига кўмаклашиш, ҳамюртларимизнинг ўз иш ўринларида бехавотир ва тинч-хотиржам меҳнат қилишларини таъминлашга ҳисса қўшишдир.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ.**

2008 йил – Ёшлар йили



# ҲАЁТДАН БАҲРА ОЛИБ ЯШАШ БАХТИ

***ҳар кимга ҳам бирдек насиб этавермайди ва шу боис инсонпарварлик, ҳомийлик, меҳр-оқибат каби хайрли анъаналаримиз борки, бундай кемтикликнинг ўрнини тўлдириб боради***

Тошкент тумани меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўлимидан бизга маълум қилишларича, Ёшлар йили муносабати билан алоҳида дастур ишлаб чиқилган бўлиб, туман ёшларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тадбирлари ана шу дастурда белгиланган режалар асосида амалга ошириб келинмоқда. Дастурда 30 ёшгача бўлган ногиронларни, кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг фарзандларини, боқувчисини йўқотган ёшларни биринчи галда ижтимоий ҳимоялашга, айниқса, кенг ўрин берилган.

– Дастурни амалга оширишга киришишдан аввал, ана шу тоифадаги ёшларимизнинг рўйхатини олдик, – дейди туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўлими бошлиғи Зарифа Тошпўлатова. – Сўнгра мавжуд имкониятларимизни, шу жумладан, ҳомийларимиз кўмагини ҳам ҳисобга олдик. Аниқ тасаввурга эга бўлгач, асосий эътиборни ногирон ёшлар ҳамда муҳтож оилаларнинг фарзандларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратдик.

Бўлим бошлиғининг ушбу фикрларини исботловчи далиллар таҳририятга тақдим этилган маълумотларда кенг кўламда келтирилган. Чунончи, тумандаги болаликдан ногиронлар орасида 16 ёшгача бўлганлари 648 нафар. Рўйхатга олинган 936 та боқувчисини йўқотган оиланинг 1143 фарзанди пенсия олади. Шундан 14 нафари чин етим болалар бўлиб, уларга боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланган.

Мамлакатда кенг нишонланадиган байрам кунларида муҳтож оилалар фарзандлари ва ногирон болалар кўнглини кўтаришга қаратилган хайрия тадбирларини ўтказиш анъанага айланган. Масалан, Мустақиллик куни муносабати билан "Гидролайф" компанияси ҳомийлигида бир гуруҳ ногирон болалар учун байрам дастурхони ёзилди. Ранг-баранг концерт дастуридан сўнг ногирон болаларга компьютер, аравача, эшитиш мосламалари, кийим-кечак ва пул совғалари улашилди. Наврўз ҳамда 1 июнь – Халқаро болалар кунларида ҳам шундай байрам тадбирлари уюштирилиб, 16 ёшгача бўлган болаларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Ҳозирги кунда 23 нафар вояга етмаган болалар халқ таълими бўлими томонидан уйларида ўқитилмоқда. Бунинг учун улар хонадони парта, стол-стул, керакли дарслик ва бошқа ўқув қуроллари билан таъминланди.

– Биз ёшларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор бераяпмиз, – дейди меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари Фарида Азимова. – 2007-2008 ўқув йилида битирувчи коллеж талабалари билан касбга йўналтириш масалалари бўйича учрашувлар ташкил этилиб, меҳнат бозорларидаги бўш иш ўринлари ҳамда бандликка кўмаклашувчи марказларнинг имкониятлари ҳақида уларга кенг маълумотлар бериб борилди. Шу йўл билан йил давомида 30 ёшгача бўлганлардан 350 нафарга яқини ишга жойлаштирилди.

Хулоса қилиб айтганда, Ёшлар йилига атаб тузилган махсус дастуримизда белгиланган режаларнинг тўлиқ бажарилиши учун бор имкониятлардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз.

**Самад ЙЎЛДОШ.**

Экология

# ҲАР КИМ ЎЗ ИШИНИ ҚИЛСА...

**Маълумки, аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашда санитария ва эпидемиологик ҳолатни яхшилашдан ташқари аҳолининг юксак экологик маданияти ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу муносабат билан "ЭКОСАН" халқаро ташкилотида "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги Қонуннинг ижросига бағишланган жамоатчилик эшитуви бўлиб ўтди.**

Унда Олий Мажлис сенаторлари, Қонунчилик палатаси депутатлари, қатор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, Давлат санитария-эпидемиология назорати департаменти, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги, Бош прокуратура, Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш федерацияси раҳбар ва вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда таъкидланганидек, охирги йилларда аҳолининг саломатлиги ва яшаш шароитига салбий таъсир қилувчи омиллар санитария-гигиена назорати остига олинган бўлиб, бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2006-2007 йилларда 2223 та қишлоқ жойлардаги ичимлик суви тизимлари тикланди. Ер усти ва ости сувларининг сифати паст ёки етарли бўлмаган ҳудудларга истеъмолга яроқли сув етказиб бериш мақсадида 1954 километр узунликда минтақалараро қувурлар ётқизилди.

2008 йилнинг бошига келиб жами 1413 та қишлоқ аҳолиси ичимлик суви билан тўлиқ таъминланди.

Ҳозирги вақтда республикадаги шаҳар ва шаҳар типидаги аҳоли яшаша жойларидан 69 тасида жами 6087 километр узунликда канализация тизими мавжуд. Бундан ташқари Бухоро, Навоий ва Тошкент вилоятларида 6 та идоравий канализация тизими ишлаб турибди.

Санитар-эпидемологик барқарорликни асосий омилларидан бири – чиқиндилар масаласи. Бу ишни тартибга солишда эришилган ижобий натижаларга қарамай, айрим ҳудудларда, айниқса, бозорларда чиқиндилар белгиланмаган жойларга ташланаётганлиги, уларни олиб чиқиб кетиш ва зарарсизлантиришда камчиликлар учраб турибди.

– 2007 ва 2008 йилнинг 9 ойи давомида ўтказилган текширишларда "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги Қонун ижросини таъминлашга масъул бўлган айрим идоралар фаолиятида ўз вазифасини тўлиқ бажармаслик, мансабни суиистеъмол қилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланиб, 4884 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди, – дейди "Экосан" халқаро ташкилоти президенти Юсуфжон Шодиметов. – Айрим мансабдор шахсларнинг эътиборсизлиги оқибатида озиқ-овқат билан савдо қилиш жойларида ва бозорларда санитарияга оид тартиб-қоидалар лозим даражада бажарилмаяпти. Қатор тиббиёт ва таълим муассасаларида ўтказилган текширишларда тозалаш ишлари вақтида бажарилмаганлиги, бунинг учун зарарсизлантирувчи воситалар мавжуд эмаслиги аниқланди.

Жамоатчилик эшитуви иштирокчилари кўриб чиқилган масалалар бўйича мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга қаратилган керакли тавсиялар ишлаб чиқдилар.

**Хуршида НАЗАРОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Ҳафталик

**Гўзалликка интилиб яшаш одамзотга хос хислат. Ана шу интилиш маданият ва санъатнинг ривожида муҳим омил бўлгани шубҳасиз. Зеро, бу соҳаларнинг мазмун-моҳиятида гўзалликни англаш, ҳис этиш тушунчалари мужассам.**

# ГЎЗАЛЛИК ҲАЙРАТЛАРИ

Тарихий манбаларда Ўзбекистон ўзининг бой қадимий маданият ва санъатига эга бўлган ўлкалардан бири сифатида эътироф этилади. Кўп асрлар мобайнида шаклланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган маданият ва санъат намуналари бугунги кунда маънавий меросимизнинг таркибий қисмига айланган.

Мустақиллик йилларида бой тарихимиз ва маданий меросимизни ўрганишга, шунингдек, миллий қадриятларимизни тиклашга эътибор янада кучайди. Форум жамғармаси ҳам ўз фаолияти давомида кўҳна Шарқнинг бетакрор ютуқларини жаҳоннинг турли минтақаларида намойиш этиш ва кенг ёйиш баробарида Ғарб тамаддунининг энг яхши жиҳатлари билан юртимиз аҳолисини таништириб келмоқда. Хусусан, Форум жамғармаси ташаббуси билан ўтказилаётган анъанавий "Style.Uz" мода ва дизайн ҳафталиги фикримизга далил бўла олади.

Ўзбеклар ҳаётини, турмуш тарзини, неча асрлар мобайнида шаклланган анъаналарини намоён этувчи матоларимиздан бутун жаҳонга танилган дизайнерлар турли либослар яратишмоқда. Ўзбек адрасию атласи, бекасаму шойисидан тикилган ажиб либосларни кўриб, ҳам ҳайратланасиз, ҳам фахрланасиз. Дунёга машҳур кишилар, донгдор дизайнерлар, маданият ва санъат арбоблари ушбу ҳафталикда иштирок этиш учун юртимизга келгани эса нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон маданий ҳаётида улкан воқеа бўлди.

Ҳафталик халқимизнинг, шунингдек, турли миллатларнинг маданият ва санъатини юксалтиришда муҳим роль ўйнаётгани шубҳасиз. Шу боис унга бўлган қизиқиш тобора ортиб, қатнашиш истагини билдираётган иштирокчилар сафи йилдан-йилга кенгайиб бораяпти. Аввалги "Style.Uz" мода ва дизайн ҳафталикларида Европа ва Осиёнинг кўплаб таниқли дизайнерлари иштирок этгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Ер юзида турфа халқ ва миллатлар яшаганидек, уларнинг маданияти ва санъати ҳам рангба-ранг ва такрорланмас. Ҳафталик давомида жаҳоннинг машҳур кишилари билан бўлиб ўтган турли маданий-маърифий тадбирлар буни яна бир бор амалда кўрсатди.

"Style.Uz" мода ва дизайн ҳафталигининг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, унда ёшлар ўз ижод намуналарини намоён этишлари учун катта имконият яратилаётир.

– Ўзбек маданияти билан яқиндан танишиш эзгу орзуим эди, – дейди ҳафталикнинг фахрий меҳмонларидан бири, япониялик таниқли дизайнер Такада Кензо. – Ушбу ҳафталик туфайли ниятимга эришдим. Бу ерда олган олам-олам таассуротлар келгуси фаолиятимда катта роль ўйнаши шубҳасиз.

Бир сўз билан айтганда, ҳафталик давомида Ўзбекистон ҳамда жаҳон маданияти ва санъатининг ранг-баранглиги намойиш этилди. Шубҳа йўқки, "Style.Uz" мода ва дизайн ҳафталиги "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси лойиҳалари кенг қамровли эканлигининг ёрқин ифодасига айланади.

**Ўз мухбиримиз.**

Семинар-тренинг

# ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШ САМАРАСИ

**Пойтахтимизда "Одам савдосига қарши курашиш ва жабрланганларга ёрдам кўрсатишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни" мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, БМТнинг Ривожланиш дастури ҳамкорлигида ташкил этилди.**

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Ички ишлар, Ташқи ишлар, Адлия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Г. Маърупова, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси директори Р. Сарбаев ва бошқалар бугунги кунда бутун жаҳонда одам савдоси билан боғлиқ муаммо тобора долзарб аҳамият касб этиб бораётганини таъкидлади. Инсон қадр-қимматига таҳдид солаётган ушбу трансмиллий жиноятчилик ўз домига, айниқса, аёллар, ёшлар ва болаларни тортаётгани билан дунё ҳамжамиятида катта ташвиш ва хавотир уйғотмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, дунёда ҳар йили кўплаб хотин-қизлар, ёшлар бу жиноят қурбонига айланмоқда.

Ўзбекистонда мазкур жиноятнинг олдини олиш, унга қарши курашиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2008 йилда қабул қилинган "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонун ҳамда давлатимиз раҳбарининг жорий йилнинг 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бунда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бу йўналишдаги ишларни янада кучайтиришга, одам савдоси қурбонларини ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий ҳимоялаш ва уларга ёрдам кўрсатишни такомиллаштиришга, одам савдоси қурбонларига ёрдам кўрсатиш бўйича ихтисослаштирилган муассасаларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда юртимизда беш мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг муайян қисми ўз фаолиятини одам савдоси билан боғлиқ жиноятчиликнинг олдини олиш, бунда аҳолининг кенг қатламлари, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг хабардорлик даражаси ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, жиноятчилик қурбонларига руҳий-маънавий, тиббий, ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга доир чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси БМТнинг Ривожланиш дастури билан ҳамкорликда одам савдоси қурбонига айланган хотин-қизларга яқиндан ёрдам кўрсатиш борасида лойиҳалар, амалий семинар-машғулотлар ўтказиб келмоқда.

Семинар-машғулотда одам савдосига қарши курашиш бўйича миллий ва халқаро миқёсдаги қонунчиликнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти, хотин-қизлар ўртасида бандликни таъминлаш, шу мақсадда меҳнат ярмаркалари ташкил этиш, жойларда касаначилик меҳнатини ривожлантириш, маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишга оид маърузалар тингланди.

Тадбирда одам савдосига қарши курашишда хотин-қизлар қўмиталари, жамоат ташкилотлари, ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракати ва бошқа мутасадди идораларнинг ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш юзасидан амалий чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ЯНГИ ТЕХНИКАЛАР

***Маҳаллийлаштириш дастури асосида "Чирчиққишлоқмаш" очиқ акциядорлик жамиятида ер ҳайдаш, текислаш, ғўза ва бошқа экинлар оралиғига ишлов бериш техникалари ва кўплаб чизель, культиваторлар такомиллаштирилди.***

"ПД-4-45", "ПН-3-30", "КХУ-4Б" русумли культиваторларни лизинг асосида сотиш йўлга қўйилди. Бу эса фермерлар учун кўплаб қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш имконини бермоқда.

Айни вақтда корхонанинг экспорт салоҳияти ортди. Чунки, Қирғизистон ва Тожикистонга етказиб берилаётган қишлоқ хўжалиги машиналари ва эҳтиёт қисмларга ҳам буюртмалар олинмоқда. Чирчиқлик машинасозлар "Т-4", "ВТ-150" русумли занжирли тракторларни ҳам қўшни республикаларга жўнатишмоқда.

**Акбар АЛИЕВ.**

**Пойтахтимизда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг "Yangi avlod forumi" Болалар ижодиёти маркази тўгараклари ўқувчиларининг катта ҳисобот концерти бўлиб ўтди.**

# ЯНГИ АВЛОД ИСТЕЪДОДЛАРИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёшларнинг пухта билим, теран тафаккур, эзгу ва олижаноб фазилатлар соҳиби этиб тарбиялашга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилмоқда. Бу борада қабул қилинган кўплаб дастурлар, фармон ва қарорлар изчил ҳаётга татбиқ этилаётир.

Фарзандлар камолоти йўлидаги хайрли юмушларга турли вазирлик ва идоралар билан бирга жамоат ташкилотлари ҳам фаол ҳисса қўшмоқда. Буни "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Жамғарма ўтказаётган турли тадбирлар ёшларни қўллаб-қувватлаш, навқирон истеъдод соҳибларини аниқлаш ва рағбатлантиришга хизмат қилмоқда. Таълим грантлари, иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастурлари, республика истеъдодли ёшларининг "Янги авлод", "Келажак овози" кўрик-танловлари, "Навқирон Ўзбекистон" фестивали, концертлар, кўргазмалар юртимиз ўғил-қизларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Жамғарма томонидан ташкил этилган "Yangi avlod forumi" Болалар ижодиёти марказида ўқувчилар рақс, тасвирий санъат, ашула, театр санъати, хорижий тиллар, ахборот технологиялари, "Моҳир қўллар", тикувчилик сингари кўплаб йўналишдаги клублар ва тўгаракларда шуғулланади. Ижодиёт марказининг Ҳадича Имомназарова, Муродулла Ҳакимов сингари истеъдодли ўқувчилари республикамизда ва халқаро миқёсда ўтказилган кўрик-танлов ҳамда фестивалларда муваффақият қозонган.

**ЎзА.**

Қомусимиз – бахтимиз

# АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳаётдаги амалий таъсири самарасини таҳлил қилар эканмиз, унинг нақадар мукаммал ишлаб чиқилганлиги, нафақат ўз даврининг муқаддас қомуси, балки буюк келажакнинг ҳақиқий пойдевори сифатида қабул қилинганлигига яна бир карра амин бўламиз.**

Асосий Қонунимизда инсон омили ва унинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қимматининг энг олий қадрият деб белгилаб қўйилганлиги бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган, инсон манфаатларига хизмат қилаётган кенг миқёсли ислоҳотларда намоён бўлмоқда.

Асосий Қонунимизда инсон омилига катта ўрин берилиши замирида халқимиз онги ва шуурига сингиб кетган, аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган инсонийлик, бағрикенглик, саховатпешалик, меҳр-оқибат ва диёнат каби хислат ҳамда фазилатлар мужассамдир. Конституциямизнинг жаҳон ҳамжамиятининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мавжуд ютуқларига, демократик тамойилларга таянганлиги алоҳида аҳамиятга моликдир. Унда жинси, миллати, дини, ирқи, ёши, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқишига кўра, инсон ҳуқуқларини камситадиган бирорта модданинг йўқлиги ҳам аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган миллий қадрият ва бебаҳо анъаналаримизнинг ёрқин кўринишидир.

Биз адолатли, инсон ва унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланадиган демократик ҳуқуқий жамият қурмоқдамиз. Буни юртимизда шундай жамият барпо этиш учун мустаҳкам пойдевор яратиш мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳам яққол исботлаб турибди.

**Адҳам САЪДУЛЛАЕВ,**
**Олмалиқ шаҳар суд ижрочилари бўлими суд ижрочиси.**

